



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 2 июл, жума № 87 (734)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ РАМЗИ

Хар қандай давлатнинг ўз тамғаси, ўз байроғи, ўз мадҳияси бўлади. Кўплар бу замонавий давлатчилик талаблари илдизини Фарбдан кидиришга ўрганиб қолган. Аслида эса ундай эмас.



Талай ўзбек зиёлилари тўғри кўрсатиб берганидек, Эрондан Олтойгача бўлган улкан минтақаларга эгаллик қилган турк хоқони Ҳўғузон давлатида олмонча «ҳербо» сўзининг маъносини айнан ифодалайдиган «тамға» атамаси истеъмолда эди. Шунга ҳам икки ярим минг йил бўлибди. Демак, ҳақонда тамғанинг давлат рамзларидан бирига айланиши ҳам бир томондан бевосита қадим ўзбек давлатчилигига бориб тақалади.

Тарихчи олимларимизнинг Мирзо Улуғбекка асосланган маълумот беришларича, ҳозирги Ўзбекистонимиз тупроғида XIII-XIV асрларда ҳукм сурган давлатларда савдо қарвонларидан олинган «тамға солиғи» бўлган. Ҳатто, ҳозирги рўсча «таможня» сўзи ҳам, аслида, айнан «тамға божи» бирикмасидан келиб чиққан.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлди. 1992 йилнинг 2 июлида «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Бугун Ўзбекистонни жаҳоннинг турли бурчакларида гербига қараб танийдилар. Бугун мамлакат фуқароларига тамғамизни таърифлаб ўтириш шарт эмас. Бироқ шуни унутмаслик керакки, тамғамиздаги ҳар бир чизик, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор. Айтайлик, ўнг томони чаноқлари очилган гўза, чап томони буғдой шохларидан иборат чамбар ичра тоғлари, дарёлари бор гуллаган водий узра куёш нур таратиб турибди. Бу айнан жаннатмонанд дийримишнинг тасвири эмасми?! Юқорида мамлакатимиз ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак, яъни миллий наққошлигимизда кўп қўлланган аънавий мусамман акс эттирилган. Унинг ичида ярим ой ва юлдуз бор. Бу ҳам биз учун ажодлардан мерос бўлиб келаётган рамзлардан бири. Қадимда мусамманнинг саккиз бурчагини саккиз жаннатга ишора деб тушунганлар. Гербининг марказидаги қанотларни ёзган Хумо қуши бахт ва эрқасарлик рамзи ҳисобланади. Хумо халқимизда илгаридан давлат қуши сифатида тасаввур қилиб келинган. Гербимизнинг пастки қисмида давлатимиз байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган. Бу сўз киши кўзига оловдек порлаб кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири қайси биноларда ўрнатиб қўйилиши белгиланган.

Қонуннинг 8-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз:

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади».

Давлат герби - мамлакатнинг ҳар бир фуқароси муқаддас билиши шарт ҳисобланган белгиси. У юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ҳис, ўзига хос гуруҳ, энг муҳими, юртга меҳр уйғотади.

Ўзбекистон бир узук бўлса, герб - гўё шу узукнинг кўзи!

2 июл эса мустақил Ўзбекистоннинг Ватан тарихига абадул абадга муҳрланган кунларидан бири. Бу байрамнинг қадри йиллар ўтгани сайин ошгандан ошиб бораверади!

Султонмурод ОЛИМ (ЎЗА)

Жўшқин ҳаёт нафаси ДЕКОН КУВОНЧИ

Андижон вилоятининг бир йўла яна икки тумани - Избоскан ва Асака туманлари галлакорлари дон топириш шартнома режасини бажарди.

Асакалик галлакорлар уйган сара уруғлик дон хирмони 12 минг 810 тоннадан ортди. Режага кўшимча яна минг тонна дон топиришга қарор қилинди. Избосканликлар эса қабул пунктларига салкам 20 минг тонна уруғлик дон етказиб бердилар. Улар ялпи хирмони 21,5 минг тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хар иккала туманда ҳам галладан бўшаган ерларни шудгорлаш ва тақрорий экинлар экишга киришилди.

БАРЧИНОЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театрида «Алпомиш» достони юбилейига бағишланган «Барчиной» кўрик-танлови ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ана шу мавзуда ўтказилган кўрик-танлов голиблари иштирок этди.

Танловда «Алпомиш» достони бўйича қизларнинг билимлари баҳоланди, замонавий Барчинойлар қандай бўлиши керак, деган саволларга жавоб изланди. Барчинойларнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар, халқимиз урф-одатлари, ҳунармандчилиги борасидаги билимлари синаб кўрилди. Узун туманидан Ойхумор Пардаева кўрик-танлов голиби бўлди.

(ЎЗА)

Янгиқўрғон тумани Наманган вилоятининг тоғ олдидан зоналаридан ҳисобланади. Шу боисдан бу ерларда баҳор кеч бошланиб қуз барвақт ташириб буюради. Бошқа туманлардагига қараганда экин-тикин ишларига шошилмайроқ киришилади, вилоятда дон тайёрлаш яримлаб қолганида бу ердаги хўжаликлар галласига ўроқ энди текканлигини ҳам шундан келиб чиқиб изохламоқ керак.

Туман вилоят галлачилигида катта қарвонлардан саналади. Масалан амалдаги йилда 33 минг тонна галла ишлаб чиқариш, шунинг 18 минг 617 тоннасини давлатга сотиш кўзда тутилган. Бу кўрсаткич бултургига нисбатан 6 минг тонна кўп, демакдир.

Мен оддий бир фуқаро сифатида дадил айтишим мумкинки, туманимизда галланинг бунчалик мўл-кўл бўлганини ҳеч қачон кўрмаганман, дейди Заркент қишлоғида яшовчи, меҳнат фахрийси Накибжон ака Ёқубжонов.

Биз бу гапни фақат Накибжон акадангина эмас, туманда бўлганимизда кўплардан, жумладан, вилоят мутахассисларидан ҳам эшитиб хурсанд бўлдик. Зеро, ҳол-ва дегани билан оғиз чучмаганидек, ўз-ўзидан ҳеч нарса бўлмайди. Бизга айтишларича, галла экинлари 4 мартагача, бўлоқ сувлари мавжуд майдонларда эса 5-6 мартагача суворилди. Уч бора озиклантирилди. Бетиним ўтдан тозалаб берилди. Ҳосилнинг баракали етишганлиги ҳам минглаб деҳқонларнинг мўрдона меҳнати, туман раҳбарлари ва мутахассислари тадбиркорлиги ва ташиқлотчилиги самараси эмасми? Туман ҳокимлиги қошида тузилган «Галла

Меҳнат ва рағбат

ёқда соядек қад кўрган ҳайбатли тоғ этакларидан бошланган «Занг» даҳаси бўйлаб ястанган олтинранг далаларга тикилгану бу йил Янгиқўрғон замини га чинакамига кўт-баракка ёзилганлиги хусусида кулоғимга чалинган мулоҳазалар чинлигига яна бир ишонч ҳосил қиламан. Кў-

тайти: - Ўзларингиз даладагиси эмас, хирмондагиси хирмон, деб ёзасизлар. Кўйинг, ҳозирдан чала ҳомчўт билан баракасини учирмайлик!

Барибир бош ҳосилот айтиб берди. 60 центнердан кам бўлмади экан.

Тоҳиржон Адашев бошлиқ бригада дала шийпони ортидаги 9 гектарлик карта галласи ҳам ҳосили бўлиб қолганлиги ва тўлиқлигидан маржондек осилиб қолганлиги ҳақида. Ҳолбуки, ўтган йилда шу майдондан гектарига аранг 6 центнердан дон йиғиштириб олинган экан. Раиснинг айтишича, бу йил бултургидан салкам ўн баробар кўп

ЯНГИҚЎРҒОН ГАЛЛАЗОРЛАРИДА



роқ ҳосил олиш мўлжалланяпти. Бошқа мавжуд 22 та бригаданинг ҳаммасида ҳам мана шундай кувончли кўринишнинг гувоҳи бўлмоқда. Шу боисдан, амалдаги йилда хўжалик миқёсида 3350 тонна дон йиғиштириб олиш, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш, шунинг 2105 тоннасини давлатга сотиш, камидан 1000 тоннасини ишловчиларга тарқатиш, галланинг ўзидангина камидан 080 миллион сўм даромад қилиш кўзда тутилган.

«Янгиқўрғон» жамоа хўжалиги далаларида бўлганимизда ҳам деҳқонлар тили билан ифодалаганда,

хосилнинг «тиралиб» қолганлигини кўрдик. Хўжалик бошқаруви раиси Авазжон Масаидовнинг бизга маълумот беришича, бу йил 1300 тонна ҳосил йиғиштириб олинди ва ундан 500 тоннаси давлатга эркин нархда сотилади. Ишлаётганлар хонадонига ҳар қачонгидан кўпроқ дон киради. Туманда ўримни тугатган хўжаликлар машиналарининг бир гуруҳи кўз олдимизда ўраётган комбайнлар қаторига келиб қўшилиши. Доли Сатторов номли, «Гулшан» жамоа хўжаликларига галлазорларида ҳам мўл-кўл галла ҳосили етилган. Шу билан бир қаторда ўрим-йиғим уюшқоқлик билан ўтказилаётди.

Умуман, туманининг ҳамма ерида мавсум юксак талаблар асосида ташкил этилмоқда. Хокимлик ва туман қасаба уюшмаси ўрим-йиғимда катнашаётганларга етарли шарт-шароит яратиш, уларни моддий рағбатлантириш масалаларига катта эътибор бермоқда. Ҳамма жойда 4 маҳал, жумладан, уч мартадан булар бериб бориляпти. Умуман галла ўрим-йиғимида катнашаётганларга мавсум якунида бир тоннадан галла бериш режалаштирилган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



(ЎЗА)

«Ишонч» бонг уради

Бозор муносабатларига ўтиш даврида иктисодий барқарорлаштириш жараёнида солиқ ва солиқ тизимининг алоҳида ўрни бор. Уни давр талабига мос равишда тақомиллаштириб бориш шунинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Хоразм Давлат солиқ бошқармасининг Назорат тафтиш бўлими инспекторлари томонидан жорий йилнинг 1 чорагида вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган 130 та турли хил мулкчилик шаклидаги корхона ва ташиқлотда солиқ қонунлари риоя қилиниши юзасидан текширишлар ўтказилди. 103 та корхона ва ташиқлотда солиқ қонунларининг бузулиш ҳолатлари аниқланиб, жами 95743,4 минг сўм солиқ ва мажбурий тўловлар, молиявий жаримлар ҳамда солиқ тўловларини кечиктирилганлиги учун улардан 380519 минг сўм давлат бюджетига қўшимча ҳисоб-китоб қилинди. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан 164 та мансабдор ва моддий жавобгар шахсларга нисбатан баённомалар тузилди.

Мазмурий жавобгарликка тортилганлар сони 30 тага кўлайиб, жарима 767,6 минг сўмга етди. Ўтказилган текширишлар жараёнида таркибидан жиноят аломатлари бўлган 13 та ҳолатлар аниқланди. Ҳозир улар билан махсус суриштирув бўлими шуғулланмоқда. 4 та корхонада ўтказилган тек-

лар томонидан 1997-1998 йиллар давомида солиқ идорасига ҳисоботларни ўз вақтида тақдим қилмасдан бўйин товланганлар ва рухсатнома (лицензия) олмасдан фаолият кўрсатиб, 5435,4 минг сўм миқдордаги савдо тушуми яширилган. Улар аниқланиб, давлат бюджетига ўтказилди. Ҳозир бу иш билан

зор туман «Агрокиметаминот» ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишлар натижасида солиқдан атайлаб яшириб қўйилган тўловлар борлиги ҳам аниқланди. Ҳозир ҳар иккала корхонадаги байроқчилик ҳаракатлари учун ЖКнинг 184-моддаси билан жиноят иши кўзгатилади.

ҲОИДАНИ СОЛИҚДАН ЯШИРИШАЁТИР

Шуни айтиш керакки, бўлимларнинг барча ходимлари турли хил мулкчилик шаклидаги корхона ва ташиқлотларда солиқ қонунларига риоя қилинишининг назорати бўйича ўтказилган текширишлар дастури билан таъминланганлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли, 1998 йил 9 августдаги 1504-сонли фармонлари юзасидан 121 та текшириш ўтказилиб, 46 корхона ва ташиқлотларда фармон талаблари бузилганлиги аниқланди. Жами дебитор қарзлар миқдори 2972188,8 минг сўмни ташкил қилиб, шундан 869 та корхонада 349717,7 минг сўм-

нинг 60 кунлик муддати ўтганлиги равшанлашди. 219 та корхонага маҳсулот жўнатишда, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришда олдиндан 15 фоиз тўлов қилдирилмаганини оқибатида 328723,0 минг сўм дебитор (олгидор) қарз содир бўлган. Натижада 65 нафар мансабдор шахсга нисбатан баённомалар тузилди ва уларга 699,2 минг сўм маъмурий жарима солинди. Корхоналарда жами кредитдорлик (бергидорлик) қарзи 3320299,7 минг сўмни ташкил қилиб, шундан 6764,2 минг сўм қарзлар кредитдорлик муддатидан ўтганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг модемграммаларига асосан «Ўзжамоақурилиш» концерни «Кўмирсавдо» МЧЖ, Соғлиқни сақлаш ва Маданият вазирлигига, Ўзавтотранс корпорациясига, Оби-Ҳаёт АИЖо қарашли корхона ва ташиқлотларда солиқ қонунларига риоя қилинишининг назорати юзасидан текширишлар ўтказилгандан сўнг жами давлат бюджетига 41294,4 минг сўм қўшимча солиқ ва тўловлар ҳамда молиявий жарималар давлат бюджетига фойдасига ўтказилди.

Авазжон ОРТИКОВ, Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси «Сервис-Марказ»и инспектори.

Роза САЙДАМЕТОВА, «Ишонч» мухбири.

Шахрисабз туманидаги аксарият хўжаликларда галладан баракали хирмон кўтарилмоқда. Мавжуд комбайнлардан унумли фойдаланилаётгани туфайли ишда суръат ва сифатга эришилмоқда.

Суратларда: (чапдан) 1.Жўра Элбоев номли хўжалик ижарачиси Х.Жўраев ҳосил чўғдан мамнун. 2.Сўнги гектар галласи ўрилмоқда. 3.П.Шербобоев номли хўжаликнинг пешқаддам комбайнчиси М.Норов.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

«МАФТУНКОР ДУНЁ БЎЁКЛАРИ»

Самарқанд вилояти ноғиронлар жамияти ўтказган аънавий тасвирий санъат танлови ана шундай номланди. Унда 14 ёшгача бўлган иқтидорли ноғирон болалар иштирок этди. Танлов якунига кўра Самарқанд шаҳридан Алишер Навоий номли 10-ўрта мактаб 5-синф ўқувчиси Азиз Элмуродов биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин 60-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Фарҳод Мусурмоновга, учинчи ўрин эса 1-ёрдамчи мактабнинг 7-синф ўқувчиси Марина Давидовга насиб этди. Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти «Мафтункор дунё буюклар» танловига қатнашишга йўлланма олдилар.

МУНОСИБ ТУҲФА

Дўстлик тумани галлакорлари қабул пунктларига 23 минг 400 тоннадан зиёд сара дон топириб, Жиззах вилоятида биринчи бўлиб галла тайёрлаш буюртмасини бажарди. Ялпи хирмонга Қосим Раҳимов, Мамажон Дадажонов номли, «Истиклол-25», «Халқобод», «Манас» ширкат хўжаликларига деҳқонлари муносиб ҳисса кўшди. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик ўртача 36-40 центнерданми ташкил этди. Вилоятнинг Пахтакор, Мирзачўл, Арнасси туманлари галлакорлари ҳам галла маррасига тобора яқинлашмоқдалар.

Касаба уюшмалари шифо масканларида

Санаторийга боришдан мақсад нима? Халқ тили билан айтганда, бадандаги бутун губорларни чиқариб юбориб, касалликка «тош отиб» қайтиш. Ва қайтаётми, «аслида шу ерда даволаниш керак экан, илоҳини топсам яна келаман» деган яхши ниятни калбга тугишга не этсин!

Гўзал Бўстонлик тоғ хавоси уфуриб турган, боғ-роғларга бурканган Қибрай туманида жойлашган «Ботаника» санаторийсида бўлганимда ҳаёлимга шу фикрлар келди.



гальвано-балчик турларидан фойдаланилади. Даволаш мақсадларида электр-тур, сув, даволаш жисмоний тарбияси, рухийтерапия, игнарефлексотерапия, лазеротерапия, гидроэ-

мижозларимиз ҳам кўп. Уларнинг талай қисми деярли ҳар йили ёки йил ора ташриф буюришади. Кекса олим Икромжон ака Иномовга кўндан буюн остеохондроз ва юрак ишемик хасталиклари азоб беради. Бел оғриги оёқ беради, юрак сиқиб оғриди. Икромжон ака асбийлашиш, тез чарчаётган шикоят қиладилар. Бундан 5-6 йил муқаддам бу ёғга келиб яхши даволаниб етганлар. Шу-шу ҳар йили қанда қилмайдилар Бу

даналар, парафин ва бошқа муолажалар олиши керак эди. Шифокор даврланувчида кўз касаллиги белгиларини сезиб қолди. Тахлил қилинди ва А.Алимов республика кўз касалликлари шифохонасига ётқизилди. Кейинги маълумотлар шуни кўрсатдики, агар бемор санаторийда касаллик варақасида кўрсатилгани бўйича физиотерапия муолажасини олаверганида, кўзига жиддий зиён бўларди. Сихаттоҳ шифокорларнинг билимдонлиги, ма-

бирга маъданли сувдан ичиш фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Санаторийда ота ёки она-бола даволаниши учун 66 ўрнили алоҳида бино ажратилган. Болалар эрта-лаб соат саккиздан учгача тарбиячилар ихтиёрида бўладилар, яъни даволанадилар, турли уйинлар, муСОБАҚАЛАРДА қатнашадилар, дам оладилар. Ота ёки она эса алоҳида даволанади. Ҳозирда ота ёки она-бола, даволаниши ва хор-

Яна сал нарироқ ўтсангиз «Меҳмонхона» деган ёзувга кўзингиз тугишади. Илгарилари сихаттоҳга вақтироқ келганлар анчайин қўйналиб қолар эдилар. Энди меҳмонхона учун пул тўлайдиларда бир кунми, беш кунми яшай бе-

рилмоқда. Янгиланган бино шу йил ишга тушириш режалаштирилган. Санаторий бош шифокори Насриддин Муродов шундай дейди:



«БОТАНИКА» СИҲАТГОҲИ НИМАСИ БИЛАН АФЗАЛ?

БЎСТОНЛИК ХАВОСИ

Тоза ҳаво баҳри-дилсимизни очди. Табиат ишқибозлари бу ерда эрта-роқ туриб марказий хиёбон бўйлаб сайр қилиб юришни яхши кўришади. Тасаввур қилиб кўринган: Субҳидам. Эрта тонгинг салқин, ёқимли наҳси баданга хуш ёқади. Йўлниг икки четига экилган турна қатор игна баргли дарахтлар эпкинидан нафас олар экансиз, ўзингизни гўё ўрмонзорлар ичида сайр қилиб юргандек ҳис эта-сиз. Дароқе, мазкур санаторийда минг тупдан кўпроқ бири-бириндан гўзал турли игнабаргли дарахтлар бор.

жиз бўлмаса керак. Шу йилнинг ўзида Бўзсув яқинида янги хурмозор ва анорзор ташкил этилди. Сихаттоҳ худудидаги эски дарахтлар Қибрай тумани ҳокимияти ва бир неча ташкилот ёрдамида олиб ташланди. Урнига аллақанда мева ва манзарали дарахтлар кўчатлари экилди. Дам олувчилар ана шу гўзалликлар бағридаги ётоқ биноларида яшаيدилар, маданий-маиший бўлинмаларда тайёрланадилар, кўндан-кўп муолажа хоналарида даволанадилар. Ошхонада эса овқатланиш ярим ресторан яъни буюртма бўйича ташкил этилган.

ДАРДАН ТЎЛА ФОРИФ БЎЛАСИЗ

«Ботаника» сихаттоҳи ўз тарихига эга. Кўп йиллар дам олиш уйи сифатида «хизмат» қилган. Бу ердан шифобахш сув чиққан, унинг иқлимий шароитлари ҳисобга олиниб 1966-67 йиллардан санаторий сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирда 270 ўринга эга. Бир неча ётоқ биноси бор. Сихаттоҳда даволаниш замонвий усулларини қўллашга жуда катта аҳамият берилмоқда. Айниқса кейинги вақтларда янги йўналиш бўлган лазеротерапия, магнитотерапия, игнарефлексотерапия бўйича жуда яхши натижаларга эришилмоқда. Хлорид-натрийли сувлар юрак-қон томирлари, асаб тизими, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини яхшилайди, артериал қон босими кўтарилишини сусайтиради. Маъданли сувдан ташқари Жиззах вилоятининг Баликчи қўлидан келтирилган шифобахш балчикдан аппликация ва-

роионизация, озекирит-парафин, укалш ва бошқалардан фойдаланилади. Барча зарур ташхис хоналари мавжуд. Кейинги вақтда бир неча янги ихтирослашган кабинетлар очилди. Аёллар касалликларини даволаш бўйича йўналиш кенгайтирилди. Ажойиб фитобар ташкил этилган. Шифобахш гиёҳлардан юрак-қон томир, нафас қисми, гепатит-холестицид, ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни даволашга кўмаклашадиган шарбат, коктейллар тайёрланади.

Физиотерапия бўлимининг мудири Гулсара Ақобирова бу йўналишдаги даволаш усуллари, шарт-шароитлар, янги қилинган ишлар ва истиқболда кўзланган вазифалар ҳақида мисоллар билан шундай мароқли ҳикоя қилиб бердики, бундай шарт-шароитларни яна ўз кўзимиз билан кўриб, дам олиб даволанаётганларга ҳавас қилдик.

- Бизнинг сихаттоҳимизга йўлланма билан бир йилда бир неча минг киши келади, - дейди бўли бошлиғи Салима Шералиева, - шу билан бирга

каби мисоллари яна кўп-лаб келтириш мумкин. Бундан ўзимиз ҳам гурурланамиз, фахрланамиз у эса бизни билиш, маҳоратимизни ишга солишга, касбимизни янда севиб ишлашга даъват этади.

Кези келганда ибрат олса арзийдиган бир тажриба ҳақида мухтасаргина ҳикоя қилиб ўтмоқчимиз.

Санаторий Тошкент Давлат тиббиёт институти 1 ва 2-қўшниқ шифохоналари билан қин алоқа ўрнатган. Тиббиёт ходимлари бундан вақт-вақти билан ма-лака ошириб қайтадилар. Унда ташқари олийоҳининг энг тажрибали профессора ва ўқитувчилари сихаттоҳга маъруза, семинарлар ва суҳбатлар ўтказиб турадилар. Шу йилда, дам олиш ва давланишга келганлар учун профессорлар маслаҳати жорий этилган. Бу ишларда йиллик, Эркин Қосимов, Ҳўтасин Солёв, Йўлдош Зибёвлар жуда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Яқинда ўразмдан 68 ёшли, ошқозон хасталиги билан оғрун Ашраф Алимов даволанишга келди. У умумий тиббий назоратдан ўтказилди. А.Алимов турли

лақасининг юқорилиги ва мазкур муассасада даволаш тизимининг мукамаллиги тўғрисида бемор бир йўла неча касалликлардан фориғ бўлди. Шифохонадан қайтган яна санаторийда даволаниб кетиш шароити яратиб берилди. Кекса дам олувчи сихаттоҳ шифокорларини дуо қилиб уйига қайтди.

Умуман мазкур санаторийга келган дам олувчи мукамал тиббий назоратдан ўтказилди. Даволаниш жараёнида ҳам шундай. Бу эса дам олувчиларни бўлиши мумкин бўлган баъзи бир касалликларининг асоратсиз даволаниб кетишлари катта ижобий таъсир кўрсатади.

Шу йил бошида санаторийга бир неча юқори ма-лакали шифокорлар тақлиф этилди ва даволаш ишларида ўзгаришлар юз берди. Профилактика йўналишлари кенгайтирилди. Шу жумладан гинекологик, эркаклар касалликлари, сийдик йўли яллиғлигинини даволаш бўйича база яратилди.

Санаторийда асаб тизими, ошқозон-ичак, жигар хасталиқларини даволаш, унда физиотерапия билан

дигини янада яхшилаш йўлида қатор тадбирлар тузиб амалга оширилмоқда.

ЯҚИН ИСТИҚБОЛДА...

Биз «Ботаника» санаторийсининг 7-биносида-миз. Қираверишдаги кенг хол ниҳоятда гўзал қилиб безатилган. Чўгдек қип-қизил ва гуллик поёндозлар кўзи олади. Катта туваклардаги субтропик ўлка дарахтлари, турли-туман гуллар хусн-тароват бағишлайди.

Ёруғ бинонинг иккинчи қаватига кўтариламиз. Чикаверишдаги умумий бўлмада дам олувчилар телевизор кўришмоқда.

Уларга ҳақиқат бермай палаталарга кирамиз. Биринчи хона дил тор-тадиган қилиб безатилган. Поёндозлар тўшалган. Диван, телевизор. Стол-стул устида чойнак-пиёла. Чиройли дарпардалар дам олиш хонасига янада хуш бағишлайди. Унг томонда санитария тармоғи. Иккинчи хона эса ётоқхона. Бу ердаги санаторий тармоғида ювениш, чўмилиш бўлмалари ҳам бор. Ҳар

радилар. Ўшиги ёнига қатор хизмат турлари ёзилган бино ҳам меҳмонхона қаторига жойлашган. Сура-тоҳна, аёллар ва эркаклар саргарошонаси, алоқа бўлими ва бошқалар шу ерда жойлашган. Унг томонга бурилсангиз маънавият ва маърифат марказига дуч келасиз. Салкам етти минг китобга эга бўлган кутубхона дам олувчилар ихтиёрида. Қироатхонада қирқдан зиёд газета ва журналлар билан танишишигиз мумкин. Маънавият ва маърифат ишлари-рига серҳаракат, ташаббускор ходим Ботир Тожибоев бош-қош. Маънавият ва маърифат ишлари учун алоҳида хона ажратилган. Ўзунлиқлар, олимпилар, турли касбдаги зиёлилар, фахрийлар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштириб турилмоқда. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, кенг билим эгаси, Зиёвиддин Саъдуллаев ҳар ҳафтанинг сешанба кунини тиббиёт, оилада фарзанд тарбияси, катталар ва ёшлар муносабатлари, дин ва маданият ва бошқа мавзуларда маърузалар ўтказмоқда...

«Ботаника» сихаттоҳидан қайтар эканмиз, яхши фикрлар, ёқимли ҳислар руҳимизни камбар олди. Санаторийдаги илғор тажриба, ибратли тадбирлар, яхши дам олиб, соғлиқни тиклаётган ишларнинг ҳаммасини айта олмадик. Улар кўп экан. Яхши ният билан борган дам олувчилар ўз кўзлари билан кўрсалар унда ҳаммасида воқиф бўладилар.

БИР УМР ЁДДА КОЛАДИ

Рамайи арқдан қирингиз билан янгигина, чиройли қилиб ишланган бинога кўзингиз тугишади. У дам олувчиларни қабул қилиш бўлимида шифокорлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Кейинги 4-5 ойда тез-корлик билан ва сихаттоҳга мос, ҳавас қилса арзийдиган қилиб қурилди. Даволанишга келган одамлар кенг залда бироз хордик чикаришади. Чанқанлар чойқўрлик қилишлари мумкин. Ҳоҳлаганлар ойнаи жаҳон тўғрисидадан жой оладилар. Қисқаси, ҳеч ким ўз навбатини дик-кинафас бўлиб навбат кутмайди.

Будир ПЎЛАТОВ.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Самарқанд тумани галлакорлари давлатга дон сотиш режасини бажарди. Улар уйган хирмон 10 минг 400 тоннадан ортди. Бу муваффақиятга Шароф Рашидов, Фотима Қосимова номидаги, «Ўзбекистон», «Наврўз», «Барака», «Галаба», «Гулбод» хўжаликлари муносиб ҳисса қўшди.

Шунингдек, Нарпай тумани деҳқонлари ҳам зафар кучди. Уларнинг шижоатли меҳнати тўғрисида 6 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан дон олишга муваффақ бўлинди. Кўпгина оилавий звеноларда ҳосилдорлик 50-60 центнерни ташкил этди.

«Марҳамат» мева ва сабзавотни қайта ишлаш ва вино ишлаб чиқариш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Россия пойтахти - Москвага 3 минг тонна томат паста етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Бу йил консервачилар 15 минг тонна помидор, 5 минг тонна хўл мева ҳамда минг тонна узум қабул қилиб олиб уларни қайта ишлашни режалаштирган. Ярим ва бир литрли, очишга қулай бурама қоққоқли шиша идишларда чиқарилаётган тузлама, шарбат, компотлар харидорларга гоаят манзур бўлмоқда.

OLAMDA NIMA GAP

ВЕНА. Австриянинг Зальцбург шаҳрида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодий масалалар бўйича саммити бошланди. У Австрия президенти Томас Клестил ташаббуси билан Давосдаги Жаҳон иқтисодий анжумани доирасида тўртинчи марта ўтказилмоқда. Саммитда минтақа давлатлари, Болтиқбўйи ва МДХ мамлакатлари вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманда хусусийлаштириш, хорижий сармоя жалб қилиш, хусусий ва давлат секторларида инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади. Бундан ташқари, саммит иштирокчилари Европа минтақасида хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашади.

ЛУСАКА. Замбия пойтахтида Африка мамлакатлари ташқи ишлари ва мудоффа вазирларининг Конго Демократик Республикаси (КДР) муаммолари бўйича маслаҳатлашуви бошланди.

Замбия президенти девонининг бошлиғи Эрик Силвамбанинг таъкидлашча, учрашувда КДРда ўт очишни тўхтатиш ва мамлакатдан хорижий харбийларни чиқариш тўғрисидаги битим лойиҳаси тасдиқланиши кутилмоқда.

ДАККА. Россия билан Бангладеш ўртасида ҳарбий шартнома имзоланди. Унга кўра, Россия Бангладешга саккизта МиГ-29 русумли кирувчи самолёт етказиб беради. Шартноманинг қиймати 115 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳарбий самолётлар Бангладеш бош вазири Ҳасина Возиднинг мамлакат қуроли кучларини замонавийлаштириш режаси асосида амалга оширилмоқда.

Бангладеш ташқи ишлар вазирлиги маълумотларига қараганда, айни пайтда мамлакат ҳукумати қуроли кучларининг ҳарбий техникасини замонавийлаштириш учун қўшимча 630 миллион АҚШ доллари ажратишни режалаштирмоқда.

АНКАРА. Туркияда Курд ишчилар партияси (КИП) етакчиси Абдулла Ужолан устидан олиб борилаётган суд жараёни ниҳоясига етди. Туркия суди А.Ужоланни олий жазага

ҳукм қилди. Лекин, ҳукм ижроси йил охиригача амалга оширилмайди, деб хабар тарқатди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

А.Ужоланнинг олий жазага ҳукм қилинишига кўплаб мамлакатлар норозилик билдирмоқда. Хусусан, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг адлия вазирлари Туркияни ҳукми бекор қилишга қаққирди.

ЖАКАРТА. Индонезия ҳукумати юк кемалари тақчиллиги сабаб Хитой, Хиндистон, Испания ва Африка мамлакатларига цемент ҳамда ёғоч сотишни тўхтатиб қўйиш ниятида.

Индонезия ушбу мамлакатларга 133,84 миллион АҚШ доллари миқдоридида 1,645 миллион тонна цемент ва 20 минг куб метр ёғоч сотиш тўғрисида шартнома имзолаган. Мазкур товарларни манзилга етказиш учун камида 19 та юк кемаси керак бўлади. Бирок, харидор мамлакатларда юк кемаси тақчиллиги тўғрисида Индонезия бандаргоҳларига мижозларнинг биронта кемаси келгани йўқ.

Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор марказий кутубхонасида мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллигига ҳамда «Аёллар йили» муносабати билан «Нафис туйғулар» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов туман марказий кутубхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан ўтказилди. Унга туманда истиқомат қилаётган ўқитувчи-

«НАФИС ТУЙГУЛАР»

лар, уй бекалари ҳамда турли қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган оддий меҳнатқаш аёллар тақлиф этилди.

Қизгин беллашувлар остида ўтган ушбу кўрик-танловда 9-сонли қишлоқ кутубхонаси кутубхоначиси Халифа Тулағенова 1-ўринни эгаллади, фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар эса туман марказий кутубхонаси ходимлари опа-сингил Дилноза ва Феруза Раҳмоноваларга насиб этди. Ҳалиларга «Алина» хусусий фирмаси раҳбари Алина Қим томонидан қимматбах оғозлик совғалари топширилди. Қизқарқил ўтган танлов ниҳоясига тўлиқ марказий кутубхонаси кутубхоначиси Галина Ильясова томонидан тайёрланган «Аёл ва шеърят» китоблар кўргазмаси унга янада файз киритди.

ЎТМИШ ҲАЁТИМИЗ-АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА

Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзбошархив» бошқармасида «Ўзбекистон хотин-қизлари ўтмишида ва ҳозирги даврда» мавзусида кизиқарли тадбир бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимияти маърифат ва маънавият марказининг раис муовини Муборак Юнусхўжаева, олимпиада Озода Рихсиева, шаҳар прокуратураси прокурорининг катта ёрдамчиси Лолахон Шомуродова, Чилонзор тумани юридик консултациясидан Фасия Ромазонова, адабиётшунос олимпиада Хулқар Олимжонова ва Чилонзор тумани маҳаллалари хотин-қизлар кўмиталари раислари иштирок этдилар. Тадбирда кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивидан тадбир иштирокчиларга ўзбек аёлларининг ўтмишидаги ва ҳозирги даврдаги турмуш тарзи, феолияти, жамиятдаги мавқеи хусусида ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Ўзбек аёлларининг паранжларини таш-

лаш билан боғлиқ кечмишлари бора-сидаги, санъат гунчаси Нурхоннинг фидоали ўлими борасидаги ҳужжатли фильм барча иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Тадбир давомида намойиш этилган 2 фильмда парижлик «Италия Мадонна»нинг муаллифи ўзбек кизи тимсолида яратган сурати хусусида фикр борди. Тадбирда «Ўзбошархив» бошқармаси бўлим бошлиғи Раёно Файзиёва «Ўзбек хотин-қизларининг ҳаёти, ижоди, фаолияти архив ҳужжатларида» мавзусида маъруза қилди.

Мазкур тадбир аёлларнинг жамиятда тугган ўрни ҳамшира юксаклигидан далолат берди ва иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Мастура ХОЖИМАТОВА, Ўзбекистон илмий-техникавий ва тиббий ҳужжатлар маркази архиви директори.

ШИФОБАХШ СУВ

Табиики, ёзининг иссиқ кунларида аҳолининг чанқовбосди ичимликларга талаби ортади. Бунини яхши тушушган «Нукусув» жамоаси аъзолари линияларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаб, кунига уч мингта бир ярим литрли полиэтилен идишларда маъданли шифобахш сув чиқара бошлади. Уларни Тошкент ва Урганч шаҳарлари ҳамда ташкилотлари ҳам бажонидил харид қилмоқда.

Хўжалик ҳисобида иш юритувчи мазкур қорхонада «Шафтоли» ва «Малина» ичимликларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.



Беход номдаги Республика давлат мукофотининг соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳим ота Матчонов бу йил 90 ёшга тулади. Шу боис Хоразм вилоятида, рассом таваллуд тоған Хонқа туманида тайёргарлик ишлари авж олаётир. Раҳим отанинг вилоят ободончилигига қўшган хиссаси катта. У Хива, Чимкент, Урганч, Нукус ша-

Суратда: таниқли рассом Раҳим ота Матчонов набираси Роҳила билан.

Б.ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Янги спорт иншоотларининг ишга туширилиши билим юрти ўқувчиларига тарбияланувчиларининг маҳоратлари оширишга ва аждодлар анъаналарини давом эттириб, чўққиларга кўтаришга йўл очди. Шу йиллар ичида Ўзбекистон терма жамоаларида бизнинг спортчиларимиз сони кўпайди ва уларнинг жаҳон, Европа яхши ният ва Олимпиада ўйинларида эришяётган ютуқлари сезиларли бўлди. Улардан Ирина Бараканова (спорт гимнастикаси), Венера Зарипова, Марина Николаева (бадий гимнастика), Наталья Лисовская, Сергей Усов, Виктор Риженов, Анвар Кучмуродов (енгил атлетика), Жамолдин Абдужабборов (велоспорт), Рамил Атаулин, Мавлуд Қорабўриқов (кураш) кабиларнинг номларини нафақат мутахассислар, балки жаҳонга яхши таниш бўлиб қолди. Фақатгина 1992 йилда Барселонада бўлиб ўтган XXV Олимпиада ўйинларида билим юртимиз ўқувчилари ва битирувчилардан 7 киши катнашди. Оксана Чусовитина ва Розалия Галиевалар спорт гимнастикасида олимпиада чемпиони бўлиб, қилч-бозиллик Валерий Захарович бронза медалига эришди, енгил атлетикачилар Сергей Усов ва Дмитрий Полонинлар ҳам яхши натижалар кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, билим юрти спортчилари Жаҳон, Осиев, Олимпиада чемпионтлари ва биринчиларида мустақил жамоа сифатида катнашиш имкониятига эга бўлди. Бу мураббийлар олдига жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган лаёқатли спортчилар тайёрлашдек мураккаб, лекин шарафли вазифани кўяди. Энди ўзбекистон спортчиларини

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Етук спортчилар тайёрлаш маскани

тайёрлаб беришда асосий масъулият Олимпия резервлари республика билим юртига тушади. Бу масъулиятли вазифани билим юртимиз бажара олади, негаки унда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган мураббий-ўқитувчилардан 30 киши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Ўзбекистон маданияти, спорти ва халқ таълиминимураббийлари билим юрти қошида йилга икки марта «қуриқлар» ўтказишга, унга Ўзбекистоннинг барча худудларидан спортга лаёқатли йигит ва қизлар жалб қилинади. Бундан ташқари, мураббийлар барча жойларда ўтказилар диган мусобақаларда қатнашиб, билим юртига ўқувчилар танлайди ва махаллий мураббийларга услубий машгулотлар ташкил

Билим юртида очик дастурлар ўтказиш аънаъна тусига кириб қолди, бу ўқувчиларга янада чуқурроқ билим бериш учун ўқув жараёнини яхшилашга имкон беради. Ўқитувчиларнинг ўзлари машгулот олиб бериш учун методик қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқмоқдалар, бу ҳам таълим сифатини янада яхшилашга йўл очмоқда. Икки йилдан буён ўқувчиларнинг кучи билан илмий-методик семинарлар ўтказиб турилибди. Яқин атрофда бундай семинарларга Андижон, Чирчиқ, Самарқанд шаҳарларидаги ва Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги Олимпия резервлари билим юртидаги ўқувчиларни тақлиф этиш режалаштирилмоқда. Ишонинг шу тарафда ташкил этилиши билан юрти тарбияланувчиларини катта спортни тарқатганидан сўнг мураббийлик-ўқитувчилик ишларига бемалол киришиб, ўзларига муносиб шогирд этиштириб беришлари йўл очади деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари билим юртимизда катта тарбиявий маданий-оқарув ишлари олиб борилмоқда. Замон талабига бемалол жавоб берадиган мажлислар залимида тематик кечалар, баҳс-мунозара оқшомлари ташкил этилади, ҳаваскорлар ўз чиқишлари билан томошабинларни хурсанд қилмоқда. Ўзбекистон, таниқли санъаткорлар билан урчушувлар ўтказилди. Хар пайшанба кунлари кинофильмлар намойиш этилади. Жамоа бўлиб тез-тез театр, цирк, музейлар

ва бадий кўرғазмаларга борилади. Президентимиз фармонлари ва ҳукуматиимизнинг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида маънавий ва маърифат ишлари кенг йўлга қўйилди. Алоҳида маънавий хонаси ташкил этилди, у турли адабийлар, кўرғазмалар билан жиҳозланди. Маънавий илдиэларимизни кўрсатувчи турли тадбирлар ўтказилмоқда, миллий байрамларимизнинг нишонланиши ҳам маънавийни мустақамлашга хизмат қилмоқда. Билим юрти қошидаги 35 минг нусха атрофида китоб мулки бўлган кутубхона маънавийни мустақамлаш ва ўқувчилар билимини чуқурлаштиришга ўз хиссасини қўшапти.

Оқуридагилардан кўриниб турибдики, Республика Олимпия резервлари билим юрти ўқувчилари мураббийлар, ўқитувчилар, тарбиячиларнинг доимий эътиборида. Бу ерда ўқувчиларнинг спорт соҳасидаги иқтидорини ўстиришга, чуқур умумтаълим ва ўрта махсус билим олишига, маданий ҳордиқ чикаришига барча шароитлар яратилган. Хар қадамда Президентимиз ва ҳукуматиимизнинг келажак авлодга эътиборини сезиб турибмиз. Шуларга жавобан, имонимиз комилки, ўқувчиларимиз ўзларининг сазой-харакатлари билан мустақил Ўзбекистонимиз шухратини оламга ёяди, халқимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишади.

Шоира АБДУЛЛАЕВА, Республика Олимпия резервлари билим юрти директорининг муовини.

Қилмиш-қидирмиш

Тун. Атрофда соқинлик ҳукмрон. Хамма жонотлар Бўқа туманидаги Бўстон жамоа ҳўжалигининг Туябўғиз бўлимида яшовчи Эргаш Эрматов ҳам хотиржам уйкуда эди. Тунги шарпаларни сезмаган хонадон соҳиби эрталаб туриб, молларга хашак тарқатиб юриб, оти гоийб бўлгандигини кўрди. Девор қилинган сым тўр бузилган. Унинг кўнглига ваҳима тушди. Бозорга олиб чиқса 60 минг сўмга баҳоланадиган саман ўғирланган. Бундай қисмат шу кишлоқлик Суроб Каримов ва Собит Хайитбоевларнинг бошига ҳам тушганди. Тезликда туман ички ишлар бўлимига хабар етказилди.

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД
ҳатто ўз отасининг отини ўғирлади

Тоғни урса талқон қиладиган навқирон ёшли Раҳим ишсизликдан зерикиб, миёсига хар хил хаёллар келиб юрган кунларнинг бирида ҳамқишлоғи Собит Хайитбоевлар хонадони олдидан ўтиб кетаётганида кулай жойга боғлаб қўйилган қулранг, ўйноқлаб турган от кўзларига бошқача кўриниб кетди. Секин боғриб, атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, жониворни сийпалаб қўйди. Итоатли жонивордан қаршилик бўлмагач, арконни қозикдан ечдию, устига сўми, йўрғалатиб кетди. У бозор баҳоси 70,000 сўм бўлган отни 37000 сўмга пуллаб, мўмай даромад қилди. Меҳнат қилмай, оз фурсатда шунчалик пул тоғланга хурсанд бўлиб, «даромад»ни харжлаб юрганида, туман марказига яқин бўлган Йўлдош Ҳожиматов номили ҳўжалик чойхонасига ўртоғи Ойбек билан кириб қолишди. У ерда танишлари Бахтиёр, Дилмуродлар ўтиришган экан. Ҳаммалари бир бўлишиб, одам бошига бир шишадан вино олиб келишди. Чўқиштириб ичилган хар бир пиёла даврани янада жонлантириб юборди. Сўхбатдошлар иноқлашиб кетишди. Аста-секин Раҳимнинг миёсига пишиб етилган фикри тилга кўчди: «Ўтиришнинг давоми бизникида, отамнинг отини ҳам сотиб берасизлар».

Биродарлар Бўстон ҳўжалигининг «Туябўғиз» кишлоғига етиб келганларида кечаси соат 22 эди. Раҳим тезда ўз отасининг отини ўфлатларига топишди. Кейин: сабр қиланглар, деб, бирмунча вақтдан кейин ана битта саманини етказиб келди.

— Амақимники, буларнинг пулига уй олиб беришадими, — деди.

Кейин Дилмурод билан Бахтиёр минган отларини танишларининг уйларига ҳайдаб боришди. Улар отларини сўйиб, сотиб беришни илтимос қилишди.

Бу воқеа ҳам хамирдан қил суғургандай бўлиб ўтди. Эргаш Эшматовнинг бозор баҳоси 60 минг, Суроб Каримовнинг 70 минг, Сотибой Хайитбоевнинг 70 минг сўмга баҳоланадиган отлари сўйилиб, сотиб юборилди. Не-не умид ва орзулар, қанча меҳнат билан от боқайтган кишилар шу тариха тулпорларидан ажралиб қолишди.

Хуллас, ўғирлик пулидан Бахтиёрга 10 минг, Дилмуродга 20 минг сўм «улуш» теғди. 150 минг сўм эса Раҳимга қоладиган бўлди. Лекин бу пул унга насиб этмади...

Икки қўшнинг отлари бирдан йўқолганлиги ҳақидаги арнома Бўқа туман ички ишлар бўлимига етиб келган, тезкор қидирув гуруҳи ташкил этилди. Унинг бошлиғи Алижон Сиддиқов, ички ишлар майори Дилшод Эсонбоевлар воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириб, маҳалладаги кишилар билан сўхбат ўтказишди. Ҳеч қаерда ишламаётган Раҳимнинг кейинги вақтларда пуллари қўлайиб, тез-тез ичимликлар сотиларидиган дўкон ва ошхона олдидан пайдо бўладиган одат қикарганлиги одамларнинг эътиборини тортганди...

Ичкиликбозликка муккасидан кетиб, лағмонхўрлик қилиб, бурро тил билан сўзлаб ўтирган турт нафар ўғри бугун суд залида, қора курсида ўтиришибди. Улар ҳаёт завқини суриш ўрнига кўп йилларга банди бўлиш азобига ўзларини маҳкум этдилар. 27 ёшли Раҳим Каримов 9 йилга озодликдан маҳрум этилди. Бирок амнистия муносабати билан унинг жазо муддати 6 йилга қисқартирилди. Дилмурод Маматов 31 ёшида 6 йил, Бахтиёр Эргашев эса 32 ёшида иккинчи марта судланди, 6 йилга 6 ой, Ойбек Абдумуминов 4 йил қамоқда ўтирадиган бўлишди.

Худойкул ХОЖИЕВ, Бўқа туман халқ суди раиси, Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Галилей замондоши бўлмиш Голланд кимёгари ва шифокори Ян Гельман бир неча йиллик тажрибалари асосида ҳаво икки тарқийб қисмдан иборат деган хулосага келди. Ҳавонинг ана шу тарқийб қисмларидан бири ёнишга ёрдам беради, ҳатто ўзи ҳам ёнишга мойил, иккинчиси эса бундай ҳусусиятга эга эмас.

Олим ўзи кашф этган бу моддага мақбул ном топиш устида анча бош қотирди. «Ҳавонинг ҳозиргача номаълум бўлиб келган шу турини «газ» деб атадим», — деб ёзганди Гельман.

Шундай қилиб, бундан уч юз йилдан аввалроқ номаълум бўлган газнинг ҳозирги вақтда кўп тури мавжуд. Шулардан бири ёнувчи газдир. Ёнувчи газ буғичи кунда халқ ҳўжалиги тараққиётида катта ўрин тутмоқда.

Ўлкамиз обидалари

Навоий вилояти марказидан Нурота тоғ тизмалари томон тахминан 120 километр юрсангиз, мўъжазгина шаҳарчага кириб борасиз. Йўлдан ҳориб келган киши Нурота чашмасидан бир култум ичиб, чарчогини ёзади. Сўнг, чашма тарихини ақс эттирувчи музей экспонатлари билан танишиб, Нурота ҳақида батафсил маълумотга эга бўлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Музей илмий ходими Кароматилло Бахриддинов Хоразм вилоятидан таширф буюрган меҳмонларни чашма тарихи билан таништираётган экан.

НУРОТА ЧАШМАСИ

Шу-шу муқаддас чашма ва шаҳар номи ҳам НУРАТО (кейинчалик Нурота) деб аталади, — деб сўзини давом эттирди Кароматилло Бахриддинов.

— Қадимий Нур чашмаси асрлар мобайнида кишиларга оби-ҳаёт ва маънавият сарчашмаси бўлиб келади, — деб ёзади нуроталик ҳамкасбимиз Раҳмон Қодиров. — У табаррук заминга, одамлар вужудига ҳаёт, нур бағишлаб келган. Чашма таърифи машриқдан-мағрибгача кетган. У денгиз сатҳидан беш юз ўттиз метр балиндликда, Оқтоғ тизма тоғларининг фарб томонида жойлашган. Зилол сув тарихида бир неча микроэлементлар мавжуд. Хлор, сульфат, кальций, магний, кальций, кремний, карбонат, натрий, олтун, кумуш ионлари сингарги 15 дан ортиқ микроэлементлар мавжуд бўлган чашма сувининг харорати кишин-ёзин бир хил ҳолатда +19,5 градусдир. Булоқ кўзидан бир лаҳзада 250-270 литр сув чиқади. Ундаги кўзни қувонтирувчи ба-

қирайлаётир. Чашма яқинда таъмирланиб, Фозгондан чиқаётган мрамар тахтачар билан қопланди. Беҳтарин тахтачалар билан қайта таъмирланган йўлакча ва хибоблар обидани яна ҳам кўркамлаштириб юборди.

• Нурота - булоқдан сув ичаётган шаҳар. Биргина

ана шу чашма суви бутун бир шаҳар аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондиқмоқда. Лекин минг афсуслар бўлсинки, Нуроталиклар ҳаёт ато этиб тургувчи чашма сувидан оқилона фойдаланилмаётир. Маҳалла ва қўчаларни кесиб ўтган тоза булоқ сувини ифлослаштириб, увол қилаётганлар ҳам оз эмас экан. Кексаларимиз айтишларича, ҳатто сувга тупуриш ҳам гуноҳ ҳисобланган. Лекин бугунгикунда тупуриш у ёқда тўқсин хонадонларни кесиб ўувчи булоқ сувиға аҳоли турли чикиндиларни, хас-шақлар ташлаб ифлослаштирмоқда. Бу эса кўпчилининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 мартдаги ПФ-1933-сонли «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармонга зид иш бўлаётганлиги хар қандай кишини ўйлантириб қўяди. Наҳотки, туман санитария-эпидемиология станцияси мутасаддилари атроф-муҳитни ифлослантираётганлар билан муроса қилиб келишяётган бўлсалар? Ишон ҳаёти учун зарур бўлган оби ҳаётга нисбатан бундай ҳурматсизликни ҳеч ким кечира олмайди. Бунинг учун маҳалла оқсоқоллари, кенг жамоатчилик Аллоҳ томонидан ато этилаётган булоқ сувининг хар томчисини кўзга тўтиё қилиб, ифлослантиришга йўл қўймастликлари лозим. Нуротага таширф буюраётган хар бир меҳмон энг аввало ана шу чашмани зиёрат қилиб, шифо учун идишларига булоқ сувидан олишади. Халқимиз «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» — деб шунга айтишса керакда?!

Бир неча иждоқорларни, алломаларни етиштириб чиққан бу юртининг хар бир қарич тупроғи, суви ва одамларини эъозлаш керак.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Суратларда: 1. «Чашма» тарихий обидалар музейи ходими Кароматилло Бахриддинов саҳдатчиларга эски мис офтобани намойиш қилмоқда. Бу эса кўпчилининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир.

Муаллиф олган суратлар.



ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латинов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Назар кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси қўмонидан 00905 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди на саҳифаланди. Офсет усулида босяди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувчи эркин нарҳда.

«Шарқ нашриёт»-матбаа концерни босмаханаси. Қоржона мажлиси «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Тоширилди 23.00

Буюртма Г— 0556. 1 2 3 4 5 6